ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00491

ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ УМУМКАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Холмурод Тоғаев
Жиззах политехника институти
togayevtogayev8@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада дастурий воситалардан фойдаланиб умумкасбий фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш масалалари ёритилиб ўтилган. Жумладан, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дастурий воситаларини қўллаш алоҳида аҳамият касб этиши айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, таълим воситалари, методика, тажриба, олий таълим.

METHODOLOGY OF LEARNING GENERAL SCIENCES USING SOFTWARE IMPROVEMENT

Kholmurod Togayev
Jizzakh Polytechnic Institute
togayevtogayev8@gmail.com

ABSTRACT

The article deals with the issues of improving the methodology of teaching general political sciences using software tools. In particular, it was noted that the use of modern software in the training of teachers of vocational education is of particular importance.

Keywords: education, upbringing, teaching aids, methodology, experience, higher education.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон таълим соҳасидаги ривожланиш тенденциялари ахборотлашган жамиятда ўқитишнинг замонавий дастурий воситаларини кенгроқ жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини янада оширишнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Европа мамлакатларига хос глобал

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00491

таълим муҳитини шакллантиришга илмий ёндашувлар контекстидаги “мегатенденциялар” кўрсатадики, таълимнинг узлуксизлиги ва амалий йўналганлигини таъминлаш, мустақил таълим олиш, ижодий ривожланишга йўналтириш, ўқитишнинг янги форматларини фаол ривожлантиришда замонавий дастурий воситаларни яратиш ва улардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда мустақиллик йилларида кадрлар тайёрлашнинг янги тизими яратилиб, мутахассислар сифатига қўйиладиган замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали, рақобатбардош, танлаган таълим йўналиши бўйича мустақил ишлай оладиган, мамлакатнинг илмийтехник, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига муносиб ҳисса қўшишга қодир, жадал илгариланётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт шароитига мослаша оладиган, юксак маданий ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш изчил амалга оширилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кадрлар тайёрлашда янада юқори натижаларга эришиш учун таълимнинг якуний мақсадларини адекват англаш, уни такомиллаштириш ва мазмунан замонавийлаштириш, айниқса, ўқитишнинг интерфаол методлари ва замонавий дастурий воситаларини, супертьюторлар (машқ қилдирувчи дастурлар), касбий тьюторлар (касбий фаолияга оид дастурлар асосида яратилган ўқув материаллари) шаклидаги ўргатувчи компьютер дастурларини қўллаш ва ривожлантириш борасида кенг қамровли мақсадли ишларни амалга ошириш таълим-тарбия соҳасидаги стратегик вазифаларнинг асосий йўналишлари билан белгиланади.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида таълимни ташкил этишнинг дастурий-методик таъминоти, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг миллий ва жаҳон таълим тажрибасига асосланган ташкилий педагогик механизмларини такомиллаштириш орқали мамлакатимиз интеллектуал ресурслари потенциалини ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Респбликасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига 1 мувофиқ “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” бугунги кунда муҳим вазифалар ҳисобланади. Жумладан, касб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00491

таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дастурий воситаларини қўллаш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида шахснинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга имкон берувчи замонавий дастурий воситаларни ўқитишнинг босқичли (фазали) модели асосида қўллаш (импринтинг - ўқув материали мазмунини идрок қилиш; меорайзинг - эслаб қолиш; авторизация - ўқув материали мазмунини англаш ва уни қайта тиклаш; инициация-ўзлаштирилган билимларни баҳолаш ва эътироф этиш фазалари); касбий компетенцияларни ўқитишнинг замонавий технологиялари воситасида шакллантиришнинг янги моделларини ишлаб чиқиш; ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқитишнинг анъанавий ва замонавий усулларидан комплекс фойдаланиш; бўлажак ўқитувчиларни ижодий ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтиришда, умуминсоний ва таълимий қадриятларнинг моҳиятини очиб беришда ўқитишнинг замонавий дастурий воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

НАТИЖАЛАР

Олий таълим муассасаларида талабаларни касбий тайёрлаш жараёнида ўқитишнинг дастурий воситаларини қўллаш муаммоси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўқитишнинг анъанавий ва замонавий дастурий воситалари асосида талабаларниг ижодий имкониятларини ривожлантиришнинг интегратив технологияси ишлаб чиқилган (Chicago university, Америка); идрок қилишнинг визуал ва аудио воситалари орқали таълим олувчиларнинг касбий шаклланишига мақсадли комплекс таъсир кўрсатиш методикаси ишлаб чиқилган (Institute named after Frica Bauer, Германия); ўқитишнинг замонавий технологиялари (тьюторлик тизими, ихтисослаштирилган таълим, модулли ўқитиш, бригада-индивидуал ўқитиш, ўзаро ўқитиш ёки ўзаро маслаҳат) асосида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал ва психоэмоционал ривожлантириш тизими яратилган (National Advice on pedagogical technology, Англия); мобил электрон курилмалар базасида электрон таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш механизми ишлаб чиқилган (Seoul Cyber University, Жанубий Корея); бўлажак ўқитувчиларда лойиҳалаштириш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга оид таълимнинг янги технологиялари ишлаб чиқилган (Педагогик технологиялар маркази, Россия); касб таълими ўқитувчиларини масофадан ўқитишнинг ахборот таълим муҳитинияратишнинг назарий-методик ва ташкилий-педагогик асослари ўқувметодик ва ахборот

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00491

таъминотини мустаҳамлаш асосида такомиллаштирилган (Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳонда таълимнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўқитишнинг замонавий дастурий воситаларини яратиш ва қўллаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда устувор тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўқитишнинг замонавий дастурий воситаларини яратиш ва қўллаш бўйича концептуал лойиҳалаштиришга асосланган янги назарий концепцияларни ишлаб чиқиш; ўқитишнинг замонавий дастурий воситаси тузилмаси блоклари мазмунини такомиллаштириш; ўқитишнинг замонавий дастурий воситаларидан фойдаланиб таълим жараёнини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш; ўқитишнинг компьютер воситаларини яратиш назарияси ва технологиясини янги илмий-педагогик ёндашувлар асосида такомиллаштириш; замонавий дастурий ўқитиш воситаларининг таълимжараёни сифатига таъсирини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш; ўқитишнинг замонавий дастурий воситалари асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш; ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан фойдаланишнинг дастурий-методик таъминотини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни жадалаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Таълимни ахборотлаштириш жараёни, шуҳбасиз, ватанимиз келажагини таъминловчи ёшларга таълим-тарбия берувчи ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан касбий фаолияти жараёнида фойдаланиш компетентлигига узвий боғликдир. Бу эса бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дастурий воситаларини яратиш ва қўллаш технологиясини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш муаммоси бўйича хорижий мамлакатлар ва ватанимиз олимлари томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган.

Олий таълим муассасаларида касб таълими жараёнида техник, технологик ва ихтисослик фанларини ўқитиш, мавжуд педагогик дастурий воситалар ва педагогик амалиёт ҳолатини таҳлил этиш натижалари қатор номутаносибликлар мавжудлигини кўрсатди: Жумладан: жамиятнинг ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, ўқитиш-нинг замонавий дастурий воситаларини ўқув жараёнида қўллай оладиган юқори малакали касб таълими

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00491

ўқитувчиларини тайёрлашга ижтимоий буюртмаси ва ўқув жараёнида фойдаланишга оид дидактик, ўқув-методик таъминотнинг етарли эмаслиги ўртасида; анъанавий таълим методикаси ва воситалари асосида ўқитиш билан мутахассиснинг ахборот маданияти, касбий кўникмалари ва билимлари даражасига замонавий талаблар ўртасида; олий таълим муассасалари касб таълими йўналишларида техник, технологик, умумкасбий тайёргарлик ва ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида ўқитишнинг замонавий дастурий воситаларига эҳтиёж билан бундай воситаларнинг етарли эмаслиги ўртасида. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш муаммоси бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашга ўқитишнинг замонавий дастурий воситаларини яратиш ва қўллашнинг психологикпедагогик ва дидактик имкониятлари, методикаси, илмий асослари тўлиқ очиб берилмаган, уларни такомиллаштириш муаммоси махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашдаўқитишнинг замонавий дастурий воситаларини яратиш ва қўллаш технологиясини тадқиқ этиш заруратини тақозо этади. Тадқиқотнинг вазифалари: психологик-педагогик адабиётларни назарий таҳлил этиш асосида олий таълим муасассаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дастурий воситаларини яратиш ва қўллаш муаммоси ҳолатини ўрганиш; касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дастурий воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси асослари ва тамойилларини, уларнинг умумий тузилмаси ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини ошириш ва уларда методик кўникмаларни ривожлантириш жараёнида ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари ва умумкасбий фанларининг педагогик имкониятларини тадқиқ этиш; умумкасбий фанларини ўқитишда талабаларнинг касбий тайёргарлигини фаоллаштиришга имкон берувчи педагогик дастурий воситаларни яратиш ва қўллаш; бўлажак касб таълими ўқитувчиларида моделлаштирувчи, ўргатувчи, назорат қилувчи педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш малакаларининг ривожланишини аниқлаш мезон ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш; ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш, қўллаш ҳамда уларнинг самарадорлигини тажрибада аниқлаш.

МУҲОКАМА

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00491

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: таълим жараёни компонентлари узвийлиги асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг билиш фаолиятини фаоллаштиришда замонавий ўқитиш воситаларининг (ўқув материалини дифференциал тақдим этиш; ўқув материалини таълим олувчилар тайёргарлиги даражасига қараб тақдим этиш; баҳолаш, бошқариш, турли шаклда назорат қилиш; интерфаол мулоқотни амалга ошириш) дастурий имкониятлари аниқланган; бўлажак касб таълими ўқитувчиларини ахборот-технологогик тайёрлаш жараёнида илмий-педагогик ёндашувларга асосланган ҳолда ўқитишнинг замонавий дастурий воситаларини яратиш ва қўллашнинг методик тизими ишлаб чиқилган; касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш алгоритмини такомиллаштириш асосида умумкасбий фанлар бўйича ўқув ахборотини кўргазмали-образли, изчил-мантиқий тарзда ҳавола этишни технологиялаш-тириш методи ишлаб чиқилган; бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашга қўйилаётган замонавий дидактик ва методик талабларни амалга оширувчи, умумкасбий фанлар бўйича ўқув материалларини ҳавола этиш шаклларини акс эттирувчи ҳамда интерфаол ўқув мулоқотини таъминловчи яхлит тизим сифатида ўқитишни модулли тузилма асосида ташкил этиш варианти яратилган; Visual Basic ва Macromedia Flash дастурлари асосида мультимедиали ўқитиш платформаси имкониятлари очиб берилган.

Таълим тизимини ахборотлаштириш жараёни сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилмоқда, яъни ўқув жараёнини конструкциялаш ва бу жараён барча иштирокчиларининг ўзаро таъсирини ташкил этиш учун ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан фойдаланиш масаласи муваффақиётли ҳал этилмоқда. Аммо ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларининг янги турларининг пайдо бўлиши ва мазмунининг янгиланиши ахборотлаштириш шароитида ўқув-тарбия жараёнига қўйилаётган доимий ўзгарувчан талабларга ҳамма вақт ҳам мос келавермайди.

ХУЛОСА

Шунинг учун бўлажак ўқитувчиларни, шу жумладан бўлажак касб таълими ўқитувчиларини ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан нафақат фойдаланишга, балки ўқув машғулотларини лойиҳалаш ва ўтказиш жараёнида қўлланиладиган электрон ўқув-методик материлларни ишлаб чиқишга тайёрлаш зарурияти юзага келди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00491

Ҳозирги шаротида бўлажак касб таълими ўқитувчиларидан қуйидаги касбий ва шахсий сифатлар талаб этилади: ўзгарувчан ҳаётий вазиятларгатез мослаша олиш, мулоқотмандлик ва жамоада ишлай ишлай билиш; ҳозирги замон ишлаб чиқариш технологиясини яхши билиш, янги билимларни мустақил эгаллай олиш; ахборот технологияси ва ахборотлардан тўғри фойдалана олиш, телекоммуникацион воситалар ёрдамида зарурий маълумотларни излаб топиш; ақлий имкониятларни ривожлантириш, умумий маданиятини ошириш қобилиятига эга бўлиш; ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологиясига оид асосий ёндашувлар, тамойиллар, талаблар, шунингдек ахборотларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва узатишни билиш (компьютер воситаларидан фойдаланиш маданияти); касбий ва ўқув-тарбиявий масалаларини ечиш учун ўқитишнинг ҳар қандай дидактик воситаларидан унумли фойдаланиш; замонавий ўқитиш воситаларини яратиш ва қўллаш, ахборот-таълим ресурсларини излаш, таҳлил этиш ва танлаш кўникмасини шакллантириш, ўқитишнинг замонавий дидактик восталари асосида таълим олувчилар ва ўқитиш тизимлари ўртасида интерфаол мулоқотни ташкил этиш, шахслараро мулоқотга киришиш ва бошқалар.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси www. lex. uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5099-сонли қарори. www.lex.uz.
3. Комиссия европейских сообшест (2000). ”Электронное обучение:создавая образование завтрашнего дня”.// URL:http:// europa.eu.int/ISPO/docs/policy/ docs/COM(2000)318/en.pdf.
4. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дис.- Т.: 2007. - 315 б.
5. Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари. Авторефер. дис. ...пед. фан. док. –Т.: 2005. -44 б.
6. Бўлажак касб таълими ўқитувчи-ларини тайёрлашнинг моделли услуби. “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмунини шакллантириш ва такомиллаштириш муаммолари”. Республика илмий-амалий конфе-ренцияси.- Т.: 2001, 123-127 бетлар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00491

7. Таълим соҳасида электрон таълим тренажёрларидан фойдаланиш муаммолари ва сабаблари. Academic research in educational sciences, 2(2). Қосимов, С. (2021).